Volume 3, Issue 1,2024


ЎЗБЕКИСТОНДА КЎККАРҒАСИМОНЛАР (CORACIIFORMES) ТУРКУМИНИНГ ФАУНАСИ, ТАРҚАЛИШИ ВА АҲАМИЯТИ

Шодиева Ф.О.
М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети б.ф.ф.д. (PhD)
Бешимов А.
М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистранти

Дунёда кўккарғасимонлар (Coraciiformes) туркумига мансуб қушларнинг 200 га яқин, МДҲ давлатларида эса 10 та турларининг учраши тўғрисида маълумотлар бор [1,2,4]. Ўзбекистонда мазкур туркумга мансуб 4 та тур учрайди: кўк қарға- Coracias garrulus, кўк тарғоқ- Alcedo atthis, тилларанг куркунак- Merops apiaster, кўк куркунак- Merops persicus. Ўзбекистонда учровчи турлар 3-оила ва 3-авлодга мансуб (расм).

Расм. Ўзбекистонда учровчи кўккарғасимонлар (Coraciiformes) туркумининг систематик таҳлили

Ўзбекистонда учровчи турларнинг филогенетик ва морфологик тузилишларида



ўхшашликлар бўлишига қарамасдан, уларнинг тарқалиш, экологияси, этология ва аҳамиятида қатор ўзига хосликлар кузатилади. Мазкур хусусиятларни ўрганиш турларнинг систематикаси тўғрисидаги умумий принципларни асослаш, уларни муҳофаза қилиш ва популяция барқарорлигини сақлаб қолиш каби муҳим масалаларни ҳал этишда долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг турли регионларида олиб борилган дастлабки ўрганиш натижаларига кўра, кўк тарғоқ- Alcedo atthis нинг спородик тарқалишга эга бўлиб, ушбу хусусияти билан бошқа турлардан тубдан фарқ қилади. Ушбу тур кам сонда учрашига қарамасдан республиканинг текистлик қисмидаги барча табиий ва сунъий сув ҳавзаларида яшашга мослашган ва кенг тарқалган. Уларни шаҳар ва қишлоқлар чеккасидаги кўпчилик сув ҳавзалари атрофида ҳам учратиш мумкин.

Охирги йилларда балиқчилик соҳасининг ривожланиши ва сув ҳавзалари эгаллаган майдонларнинг кенгайиши эҳтимол ушбу турнинг озуқланиш ва уялаш стациялари сонининг ошишига, умумий тарқалиш ареалларининг янада кенгайишига, майдон бирлигидаги зичлигини ошишига сабаб бўлиши мумкин.

Кўк қарға- Coracias garrulus нинг Ўзбекистонда тарқалишини ўрганиш натижаларига унинг яшаш жойлари жуда кам ўзгарганлигини кузатиш мумкин. Улар учиб келиши билан кўп ҳолларда узоқ йиллар давомида доимий учрайдиган жойларни эгаллашади. Бу хусусият кўккарғаларда уя консерватизмининг шаклланганлиги билан тушунтирилиши мумкин. Ушбу турларда уя консерватизмининг намоён бўлишини уя қуриш учун қулай бўлган жойларнинг танқислиги ва уя қуриш жойига нисбатан рақобатнинг кучлилиги билан асослаш мумкин.

Кўк қарғалар Ўзбекистонда кўпинча, тоғ олди зоналарини ва асосан бу ердаги нотекис рельефга эга бўлган жойлар ҳамда жарликлардан ташкил топган биотопларни танлашади. Улар кичик галалар ҳолида озиқланишга ва колония ҳолида уя қуришга мослашган турлар бўлганлиги учун якка ҳолда деярли учрамайди. Кўк қарғаларни туркумнинг бошқа аъзоларига яқинлигини кўрсатувчи хусусият сифатида уяларини ердаги ковакларга қуриши ва уя қуриш жойларининг куркунаклар билан ўхшашлигини кўрсатиш мумкин.

Куркунакларнинг ҳар иккала турлари ўзларининг биоэкологик хусусиятлари билан жуда ўхшаш бўлиб, туркумнинг бошқа вакилларига уя қуриш жойлари ва уяларининг ерга қуриши билан ўхшайди. Бу жиҳатдан улар кўпроқ кўккарғаларга ўхшаб кетади [3].

Кўккарғалар аҳамияти билан Ўзбекистон орнитофаунасида ўзига хос хусусиятга эга. Аҳоли орасида кўктарғоқларнинг балиқ, куркунакларнинг асаларилар билан озиқланиш орқали зарар етказиши тўғрисида турли қарашлар бор. Бундай қарашлар айниқса асаларичилар томонидан куркунакларнинг кўплаб овланишига ва қирилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Кўктарғоқлар маълум даражада ихтиофаг турлар бўлишига қарамасдан, кам сонда учраши ва балиқчилик соҳасига деярли зиён етазмаслиги сабабли уларни овлаш ёки тегишли репеллентлар воситасида ҳайдаш бугуги кунга қадар амалиётга жорий этилмаган [5,6].

Кўк қарға- Coracias garrulus бир қанча турлар қатори Ўзбекистонда қадимдан баҳорнинг даракчиси сифатида миллий урф-одатлар доирасида қадрланади. Бу эса маълум даражада ушбу турнинг муҳофазанишида муҳим аҳамиятга касб этади. Аммо айни вақтга қадар республикамизда куркунакларга нисбатан салбий муносабатларнинг олдини олиш йўналишида бирор чора-тадбирнинг жорий этилмаганлиги ушбу турларни муҳофа қилишнинг ўта долзарблигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бутьев В.Т. и др. Птицы России и сопредельных регионов. Ракшеобразные. Товарищество научных изданий КМК / Москва, 2005- С. 242-267.

2. Коблик Е.А., Архипов В.Ю. Фауна птиц стран Северной Евразии в границах бывшего СССР. Списки видов / Москва: Товарищество научных изданий КМК, 2014. – 171 с.

3. Шодиева Ф.О., Холбоев Ф.Р. Ўзбекистонда куркунаклар-Merops авлодининг биоэкологик хусусиятлари ва аҳамияти // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. – Хива, 2023. – 7/1. – Б. 146-152.

4. Птицы Средней Азии. Том 1. / Алматы, 2007. – С. 506-516.

5. Сагитов А.К. Семейство Щурковые – Meropidae. Птицы Узбекистана. Том 2. / Ташкент: Фан, 1990. – С. 270-278.

6. Shodiyeva F.O., Yahgiboyev E.CH., Kholboev F.R. Raximov M.Sh. Significance and Conservation of Birds of the Genus of Bee-eater (MEROPS) in Uzbekistan // Baghdad Science

Volume 3, Issue 1,2024

Journal Published Online First: July, 2023 P-ISSN: 2078-8665 - E-ISSN: 2411-7986. 252-260 pp.
https://dx.doi.org/10.21123/bsj.2023.7109.

